Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 16 СЕНТЯБРЬ. СЕШАНБА №73 (5.844). Сотувда эркин нархда

# ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

## ДУНЁВИЙ ТИНЧЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН ЯНА БИР ОДИМ

15 сентябрь куни Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция бошланди. Унда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этмоқда. БМТ, Европа иттифоқи, «Ядро клуби», Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ), Шимолий Атлантика ҳарбий блоки (НАТО), Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш бўйича агентлик (ОПАНАЛ) шулар жумласидандир.

Конференцияни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ республика раҳбарияти кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммолар билан бир қаторда хавфсизликни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Миллий ва минтақавий хавфсизлик масалалари дунёвий тинчликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олсак, асосий диққат-эътибор, аввало, минтақада ядро қуролини тарқатмаслик ва экологик муаммоларни бартараф қилишга қаратилмоғи лозим экани аён бўлади. Бу хусусда, Президент Ислом Каримов БМТ бош ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлаб, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурган эди. Бугунги кунда ўша ташаббус ўзининг амалий инъикосини топмоқда.

Маълумки, ядро қуролидан холи зоналарни вужудга келтириш ғояси илк бор БМТнинг 1975 йилда қабул қилинган резолюциясида қайд этилган эди. Бугунга келиб, бундай зоналарнинг сони тўрттага етди. Жанубий Осиё, Лотин Америкаси, Африка ва Антарктидан иборат ушбу зоналар бир юз ўндан ортиқ мамлакатни ўз ичига олади. Бу зоналар ядровий қуролланиш пойгасига қарши ҳудудий тўсиқлар яратиш, бутун дунёда ялпи тинчликни сақлаш, қолаверса, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анжуманда БМТ Бош котибининг ўринбосари В. Петровский БМТ Бош котиби К. Аннанинг конференция иштирокчилари номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. «Ядро қуролидан холи бўлган янги зоналарнинг вужудга келиши минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиб, ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади», дейилади жумладан, мактубда. Шунингдек, конференциянинг очилиш қисмида Ислом конференцияси ташкилоти бош котибининг ўринбосари Иброҳим Солиҳ Бакр, Европа иттифоқи вакили — Голландия Ташқи ишлар вазирлиги ядровий муаммолар ва ядро қуролини тарқатмаслик бўлими бошлиғининг ўринбосари Паул Уилке сўзга чиқиб, ушбу икки ташкилот Марказий Осиё мамлакатларининг минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантириш борасидаги ташаббусини қўллаб-қуватлашини маълум қилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман дунёнинг турли мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Бунга давлатлар раҳбарлари, кўплаб халқаро тузилмалар мутасаддилари томонидан конференция иштирокчилари номига келаётган мактублар ёрқин мисол бўла олади.

Конференциянинг биринчи кунида ядро қуролидан холи зоналарни барпо этишда халқаро тажриба ҳамда минтақавий хавфсизлик мавзуларида амалий сессиялар бўлиб ўтди. Унда БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланган давлатлар вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, ОПАНАЛ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар томонидан юборилган соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш шартлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш усуллари бўйича фикрлар алмашилиб, баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Шунингдек, анжуманнинг биринчи кунида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг баёноти имзоланди.

Халқаро конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов ва бошқа кишилар иштирок этмоқда.

Анжуман 16 сентябрь куни ўз ишини давом эттиради.

**(ЎзА).**

***




**Суратда: халқаро конференцияда.**

## АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ



**Суратда: Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ турнир ғолиби Тим Хенменни қутламоқда.**

**А.ТЎРАЕВ олган суратлар (ЎзА).**

Пойтахтимиз Тошкентда бир ҳафта давом этган спорт байрами — теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. 14 сентябрь куни мазкур турнирнинг расмий ёпилиш маросими бўлди. «Юнусобод» спорт мажмуидаги замонавий ёпиқ теннис саройига жамоатчилик вакиллари, спорт мухлислари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрди.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қизғин олқишлар билан кутиб оладилар.

«Президент кубоги» турнири финал учрашуви қатнашчилари — Буюк Британиялик Тим Хенмен ва швейцариялик Марк Россенинг ўйини бошланади. Ҳаяжонларга бой, қизғин спорт курашлари остида ўтган бу ўйинда иккала ракетка устаси ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. Мусобақа бошиданоқ ғолибликка даъвогарлардан бири ҳисобланган Тим Хенмен учрашувда ғалаба қозониб, турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Майдонга мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари олиб кирилади.

Тантанали маросимни халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси Сассон Какшури очиб, Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик, хусусан, мазкур теннис турнирининг ташаббускори бўлган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидаги теннис ишқибозлари ва мухлислари бу нуфузли мусобақани катта қизиқиш билан кузатиб бордилар, деди давлатимиз раҳбари. Турнирда жаҳондаги атоқли теннисчиларнинг иштирок этиши, уларнинг маҳорати ҳамда иштирокчилар ва мухлисларнинг юксак кайфияти, ташкилотчилар яратиб берган ажойиб шарт-шароит уни ҳақиқий спорт байрамига айлантирди.

Спортчилар ўйинидаги кураш иштиёқи, барча — ёшу қари шуғулланиши мумкин бўлган қизиқарли спорт тури миллионлаб томошабинларни хурсанд қилди, десам янглишмайман.

Биз учун энг муҳими — Ўзбекистонда бундай мусобақаларнинг ўтказилиши эртанги кунда шаҳар ва қишлоқларимиздаги теннис кортларига саломатлигини мустаҳкамламоқчи ва катта теннис билан шуғулланмоқчи бўлган минглаб кишиларни,

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам делегация раҳбарлари,

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон диёрига ташриф буюрганингиз билан самимий қутлайман ҳамда Тошкент конференциясида иштирок этаётганингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мазкур конференция — **Марказий Осиё давлатларининг ташқи хавф ва тазйиқларга қарши туриш борасидаги якдиллик билан қилаётган саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижасидир.** Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббуси — Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик, барқарорликни ҳамда бу минтақада истиқомат қилаётган кишиларнинг тинчлигини таъминлаш, айтиш мумкинки, минтақани барқарор ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш борасидаги манфаат ва мақсадлари муштараклигининг янги бир кўринишидир.

Халқаро ташкилотлар, энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Ислом конференцияси ташкилоти, мазкур конференцияда иштирок этаётган 50 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмалар вакилларига Марказий Осиё ташаббусини қўллаб-қувватлашгани, Тошкент конференциясини тайёрлашда ёрдам берганликлари учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат этгайсизлар.

Анжуман ишида БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари — ядро давлатлари ҳисобланмиш беш давлат вакилларининг иштирок этаётгани бизга кўтаринки руҳ, умид бахш этади. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлашни ўз вазифаси деб билган ҳамда конференция ишида иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрган Марказий Осиё билан чегарадош мамлакатларнинг расмий вакилларини чин дилдан қутлайман.

Биз Тошкент анжумани иштирокчилари орасида Европа иттифоқи мамлакатлари делегацияларини кўришдан ниҳоятда мамнунмиз. Уларнинг интеграция ҳамда хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш борасида тажрибаси Марказий Осиёдаги ёш давлатлар учун алоҳида қадрлидир.

Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари бўйича халқаро шериклар доираси тобора кенгайиб бораётганини ҳам алоҳида мамнуният билан қайд этишни истардим. Мен конференциямизда Лотин Америкаси ва Жанубий Африка давлатлари дипломатларининг иштирок этиши унга янада теран мазмун ва нуфуз бахш этишига қатъий аминман.

Учрашувимиз ядро қуролини тарқатмаслик бўйича йирик халқаро экспертларнинг иштироки туфайли янада юксак илмий даража касб этишини ҳам таъкидлаш жоиз. Уларнинг кўпчилиги конференцияга тайёргарликнинг эксперт босқичида Тошкентга ташриф буюрган эдилар.

Мен мазкур конференцияни тайёрлаш жараёнидаги улкан ишларни ёритиш борасида кўп хизмат кўрсатган оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларига ҳам алоҳида миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Бизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусимизга қўшилган ҳамда бу ташаббусни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишда иштирок этаётган барчангизга катта раҳмат.

Хонимлар ва жаноблар!

Халқлар ва бутун инсоният ҳаётида XX аср ниҳоясига етмоқда. Шу нарсага аминманки, бугунги кунда яшаб турган ҳар қандай ақлли инсон бизнинг XXI асрга қай ҳолда кириб боришимиз, қандай қилиб уйимиз, мамлакатимиз, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз тўғрисида ўйга толади. Фожеали оқибатларга, одамлар ўртасидаги йирик қурбонлар, тузатиб бўлмайдиган ҳалокатларга олиб келиши мумкин бўлган муайян хавф-хатарларга қарши қандай чора кўрамиз?

Табиийки, ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуроллари хавфи бундай хавф-хатарлар ичида алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда дунёда минглаб ядро қуроли борлиги тўғрисида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, афсуски, демократик матбуотда эълон қилинаётган, инсоният келажагига аниқ-равшан хавф туғдирувчи — парчаланадиган қурол бўладиган материалнинг улкан заҳиралари, ядро қуроли билан боғлиқ авариялар, ядро контрабандаси, ядровий дўқ-пўписа ва терроризм ҳақидаги ахборот ва фактлар ҳам ҳаётимизнинг оддий кўринишига айланиб қолмоқда.

Биз телевизор экранларида намойиш этилаётган, ядро қуроли синовлари туфайли мангуга йўқ қилиб ташланган минг-минглаб, ҳатто миллионлаб гектар майдонда, ҳайвонот ва ўсимлик оламида юз бераётган даҳшатли манзараларга кўникиб қоляпмиз.

Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қиладиган кишилар оммавий қирғин қуролларининг бундай ғайриинсоний синовларининг битмас-туганмас оқибатларини ҳозирги кунда ҳам ҳис этиб турибди ҳамда яна кўпгина авлодлар умри мобайнида ҳис этади.

Минтақамизни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилишнинг яна бир муҳим ва долзарб жиҳати шундаки, ҳали сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган эмас.

Ҳозирги кунда ҳам яқин-яқинимизда ядро қуролига эга бўлиш нияти ҳақида очиқдан-очиқ гапираётган давлатлар бор.

**Назаримда, худди мана шунинг учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда мана шу хавфдан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим.**

Биз Марказий Осиё — дунёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан бири эканини, аҳоли ҳар томонлама ночор, табиий ҳалокатлар тез-тез содир бўлиб турадиган шароитда истиқомат қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бошқа томондан олиб қараганда, бу ташаббуснинг муҳимлиги Марказий Осиёнинг ниҳоятда бой табиий, минерал, энергетик ва инсоний ҳамда бошқа ресурслари туфайли тобора ошиб бораётган геостратегик ҳолати билан ҳам изоҳланади. Бу ерда дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг геополитик ва стратегик манфаатлари тўқнашади. Шунинг учун ҳам тобора улкан аҳамият касб этаётган бу минтақанинг устунлик ва таъсир доиралари учун янги кураш майдонига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз Марказий Осиё минтақасининг халқаро хўжалик алоқалари тизимига, жаҳон иқтисодиёт ва ахборот майдонига фаол кириб бориши, жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро муассасалар билан сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаши, энг аввало бу минтақадаги давлатларнинг халқаро хавфсизликнинг дунёвий тизимига интеграциялашувигина барқарорлик ва изчил тараққиётнинг ишончли кафолати бўлишига қатъий аминмиз.

(Давоми 2-бетда).

# ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Марказий Осиёнинг дунё миқёсида тобора улкан аҳамият касб этаётгани, шунингдек, умумевропа хавфсизлиги тизимини янгича идрок этишни ҳам тақозо қилади. Биз шунга қатъиян аминмизки, **Марказий Осиёдаги — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмиш бешта давлатни ўз ичига олган минтақада ядро хавфидан холи зонанинг барпо этилиши ЕҲҲнинг умуммайдонида ҳам тинчлик ва барқарорлик пойдеворини янада мустаҳкамлайди.**

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этишнинг ҳақиқатан ҳам мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини таъкидлар эканман, Узбекистон БМТ бош ассамблеясининг 48-сессиясида олға сурган бу ташаббус қўшниларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланганини мамнуният билан қайд этаман. Бу 1997 йил февралида қабул қилинган Алмати декларациясида ўз ифодасини топган. **Бу ҳужжат ядро қуролини тарқатмаслик соҳасида сиёсий ишонч муҳитини яратди.** Декларациянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро тузилмалардаги тақдимоти ҳамда унга халқаро ҳамжамият раҳбарлари ва аъзолари берган баҳо бизга кўтаринки руҳ бахш этади.

Марказий Осиё ташаббусининг юзага келишига ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажриба диққат билан ўрганилгани ҳамда дунё миқёсида хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзимизнинг ўрнимизни аниқлаб олиш туфайли имкон яратилди. Буни конференциянинг эксперт босқичи ҳам тасдиқлади. Мазкур босқич давомида минтақадаги давлатларнинг сайёрамизнинг ядро қуроли, ядровий портлатиш ускуналари бутунлай тақиқлаб қўйиладиган ҳудудларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига ижобий баҳо берилди.

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциямизнинг бундай нуфузли даражаси ўртага қўйилган масалаларни юксак эксперт даражасида ҳал этиш имконини беришига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни бизнинг конференция кун тартибининг концептуал томонларига бўлган нуқтаи назаримизга каратмоқчи эдим.

**Биринчи. Ядро хавфсизлигига умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат — ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши асосидир.**

Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъиян аминман. Бошқа томондан олганда, барпо этилаётган ҳудудга оламшумул ядровий стратегия манзарасида бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган ҳарбий мувозанатни бузадиган воқеа сифатида қаралмаслиги лозим.

**Иккинчи.** Ядро қуролидан холи зонани барпо этиш технологияси ўз-ўзидан минтақа хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилмаслигини эътироф этиш зарур. Зонанинг барча фаолият имконитларини ядро қуроли тарқалиши хавфининг олдини олишга сафарбар эта оладиган механизм ишлаб чиқилиши лозим. **Шу мақсадда иштирокчи давлатлар халқаро миқёсда тўпланган тажрибага ҳамда бир қанча асосий тамойилларга,** хусусан: — зона ядро қуролидан тўла равишда холи бўлиши таъминланиши лозим;

— унинг фаолият курсатиши бўйича иштирокчи давлатларгина эмас, барча манфаатдор мамлакатлар ҳам ўз зиммаларига мажбурият олиши мумкин;

— ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ҳақидаги битимлар келишилган мажбуриятларга риоя қилишни таъминловчи самарали назорат тизимини ўз ичига олиши лозим;

— назорат МАГАТЭ ва БМТнинг хавфсизлик кенгаши кафолати остида олиб борилиши лозим,

деган тамойилларга суяниши керак.

**Учинчи**. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — **ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома** доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда **Марказий Осиё минтақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшилажагини билдиради.**

Айни пайтда, ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Бу саъй-ҳаракатлар маслаҳатлар ўтказиш, ахборот алмашиш ва мавжуд курол заҳираларидан бир-бирини хабардор қилиш даражасидаги ҳамкорликни, шунингдек маҳаллий зиддиятлар мавжуд ҳудудларга қурол етказиб беришни қаттиқ назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши лозим.

**Тўртинчи. Ҳар қандай сиёсий қарор, ҳар қандай давлатлараро ҳужжат ижтимоий муаммолар билан мустаҳкам боғлиқ бўлганидагина, инсон ва жамиятнинг муносиб турмуши таъминланганидагина бирон-бир кучга эга бўлади.** Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона ҳам бундан мустасно эмас. У кишиларга айнан нима бериши мумкин? Муҳими — мазкур зона хавфсиз ва барқарор тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшади. Бугунги кунда собиқ СССРдан қолган оғир ядровий меросни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзининг зудлик билан ечилишини ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини кутмоқда.

Бунга Семипалатинск полигонида ўтказилган ядро синовлари оқибати ҳам киради. Бу ёпиб қўйилган ўнлаб уран конлари ҳамда ўтган йиллар мобайнида уранни жуда кўп қайта ишлашдан пайдо бўлган, инсонлар ҳаёти учун хавфли қатлам ва чиқиндилар муаммоси ҳамдир. Бу, ниҳоят, — экология, инсонлар саломатлиги, уларнинг турмуш шароити муаммосидир.

**Бешинчи.** Конференцияни тайёрлашнинг эксперт босқичи кўрсатганидек, **Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ғояси минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келади.** Бу мазкур муаммо бўйича илгари қилинган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, сизларнинг эътиборингизни муҳим аҳамиятта молик бир масалага қаратмоқчиман. Биз ядро қуролидан холи Марказий Осиё зонасининг барпо этилиши рамзий тадбирга айланиб кетмаслиги кераклигини яхши биламиз. Уни барпо этиш бўйича тадбирлар қуролсизланиш ва қуролланишни назорат қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида, ядро қуролини тарқатмаслик бўйича шартнома доирасида амалга оширилиши лозим.

Ядро қуролидан холи зонанинг фаолият кўрсатишига одатдаги, анъанавий маънодагидан кўра кенгроқ қаралиши лозим.

Мен нимани назарда тутяпман?

Энг аввало, минтақадаги давлатлар ва чегарадош мамлакатлар ихтиёрида мавжуд бўлган парчаланувчи материаллардан одамларни ҳимоялашнинг аниқ ва амал қиладиган механизми ишлаб чиқилиши керак.

Биз, шунингдек, терроризм ва игвогарликнинг турлича кўринишларидан ҳам кафолатланган эмасмиз.

Биз мамлакатларимиз ҳудудига исталган пайтда ядро қуролига айланиши мумкин бўлган хавфли ёнилғининг кириб келишидан ҳам кафолатланган эмасмиз. Давлатлараро даражада дипломатлар, давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини мувофиқлаштириш зарур. Биздан ядровий материалларни сақлаш, назорат қилиш ва ҳимоялаш, улардан ҳимояланиш борасидаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича муайян тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

**Ва ниҳоят, ядро қуролидан холи зона** ядро қуролини тарқатмаслик, қуролсизланиш, назорат қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги фаолиятини амалга оширишдан ташқари, **Марказий Осиё давлатларининг тинчликка хизмат қиладиган атомни тадқиқ қилиш соҳасидаги ҳамкорлигига кўмаклашуви лозим. Бунинг учун минтақада барча зарур имкониятлар мавжуд.**

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Тошкентдаги бу учрашувимиз Тлателолко шартномасининг ўттиз йиллиги, Пелиндаб шартномасининг бир йиллиги ва атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭнинг қирқ йиллиги нишонланаётган йилда ўтмоқда. Конференциямизга ўз вакилларини юборган Опанал, Африкадаги ядро қуролидан холи зона иштирокчилари ҳамда МАГАТЭ шаънига қутлов йўллаш билан бирга, Узбекистонда бу нуфузли ташкилот ва давлатлар фаолияти хавфсиз дунё қуришга бўлган астойдил интилиш деб баҳоланишини қайд этмоқчиман.

Бу воқеаларнинг бир-бирига рамзий алоқасини таъкидлаган ҳолда шуни мамнуният билан қайд этаманки, Марказий Осиё давлатлари Лотин Америкасида бошланиб, минтақадан минтақага ўтиб бораётган ядро қуролидан холи дунё эстафетасини масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда қабул қилиб олади.

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат ўзининг минтақа тақдири учун масъулияти даражасини яхши билади. Шунинг учун ҳам биз мана шу залда ҳозир бўлганларнинг барчасига жаҳон ҳамжамиятининг бизнинг ташвишларимизни англаб етадиган ва унга шерик бўладиган, бизнинг хавфсиз дунё қуриш, якдиллик ва ҳамкорлик борасидаги интилишларимизда ёрдам беришга тайёр турган вакиллари сифатида қараймиз.

Биз Марказий Осиёдан ташқарида юз бераётган воқеалардан узилиб қолганимиз йўқ. Биз — инсониятнинг бир қисмимиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёрамизнинг барча бурчакларида инсонларнинг кафолатланган тинч ҳаёт кечирадиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бунёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз.

Мен анжуманимиз мана шу олижаноб мақсадга эришиш, XXI асрдаги жаҳоншумул тинчлик моделини идрок этишда муҳим босқич бўлиб қолишига умид қиламан.

Конференциянинг барча иштирокчиларига ишларида самара ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

# АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

энг аввало фарзандларимиз ва набираларимиз — бўлажак маҳоратли теннисчилар ва чемпионларни жалб этиш имконини беришига ишонаман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, мусобақа юксак савияда ўтиши учун барча ишни қилган ташкилотчиларга, ҳақиқий муросасиз спорт кураши намунасини кўрсатган ҳамда ғалабага бўлган интилишини намоён этган турнир иштирокчиларига яна бир бор миннатдорлик сўзларини айтишни истайман.

Шунингдек, теннис ва спортнинг барча мухлисларига, бугун мана шу ажойиб саройни тўлдириб ўтирган барчангизга, сиз орқали Узбекистоннинг бутун аҳолисига олис мамлакат ва қитъалардан келган спортчиларни қўллаб-қувватлаганингиз, очиқ чеҳрангиз, самимият ва меҳмондўстлигингиз учун раҳмат айтаман.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов томошабинларнинг қизғин олқишлари остида турнир ғолиби Тим Хенменга Президент кубогини, иккинчи ўрин соҳиби Марк Россега махсус совринни топширди.

Теннисчилар ўзларига кўрсатилган эътибор, минглаб томошабинларнинг хайриҳоҳ ва холис муносабатда бўлиб қўллаб-қувватлаганлари учун ташаккур билдирдилар.

«Президент кубоги» тўртинчи халқаро теннис турнири ёпиқ деб эълон қилинди. Узбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янграйди. Теннис ихлосмандлари ўйин қатнашчиларини «Яна кўришгунча, хайр» сўзлари билан кузатиб қоладилар...

Турнирнинг ёпилиш маросимида республика Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**

# ЯНГИ КОРХОНА ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан иқтисодиётнинг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги давр бошланди. Пахта ҳосилини жаҳон талаблари даражасида қайта ишлашга эришиш соха ходимлари олдида турган энг долзарб вазифалардандир. Илғор жаҳон технологияси асосида жиҳозланган Янгийўл пахта тозалаш заводининг фойдаланишга топширилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шу муносабат билан 13 сентябрь куни бу ерда янги корхона тақдимоти маросими бўлди. Унда тегишли вазирлик, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва хўжаликлар рахбарлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маросимни Тошкент вилояти ҳокими Э.Рўзиев очди.

Йилига 25 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган мазкур корхонада АҚШ, Австралия, Хитой ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган машина-ускуналар ўрнатилди. Шуни айтиш керакки, янги завод аҳоли истиқомат жойидан анча олисда — бевосита пахта даласи яқинида бунёд этилди. Бу эса экологик ҳолатни яхшилаш, маҳсулот тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш имконини беради. Ишчилар учун барча қулайликлар яратилган янги корхонанинг энг муҳим фазилати шундаки, қайта ишлаш жараёнида ғоят сифатли тола олиниши билан бирга, чигит деярли шикастланмайди, маҳсулот таннархи арзонлашади.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков тақдимот маросимида сўзга чиқди.

Маросимда Бош вазир ўринбосари А.Муҳиддинов қатнашди.

**(ЎзА)**

# ПАХТАЗОР ОЙНАСИ

Бу йил республикамизда пахта йиғим-терими одатдагидан бирмунча илгари бошланди. Бу биринчидан, ўлкамизда 191,4 минг гектар майдонга Андижон усулида чигит плёнка остига қадалганлиги шарофатидир. Мазкур майдонлардаги пахта фойдали ҳароратни самарали олиб 15—20 кун олдин очилишини таъминлади. Иккинчидан, қолган очиқ майдонларга ҳам тезпишар чигит эрта баҳорда қадалиб, ғўза парваришига муҳим ўрин берилди. Баҳор кунлари бўлган кучли ёмғир натижасида экилган пахта майдонларининг бир қисми ювилиб кетди. Ҳукуматимизнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами туфайли дўлдан зарар кўрган майдонларга қайтадан чигит қадалди. Қисқа муддат ичида қайта экилган ва парвариши ўз вақтида сифатли бажарилгани боис ўша зарар кўрган майдонларда ҳам пахта очила бошлади. Натижада ҳозирги кунга келиб пахта майдонларининг асосий қисмида 60—70 фоиз пахта очилишига эришилди. Эндиги вазифа республикамизнинг 1,5 миллион гектар еридаги етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олиб, 4 миллион тонналик маррага тезроқ етишдир. Пахтанинг сифатли бўлишида муҳим омил ҳисобланган дефолиацияни яхши ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Келинг, шўнинг учун таҳлилимизни республика пахта майдонларида дефолиациянинг қандай бораётганидан бошлай қолайлик.

— Жорий йилда мамлакатимизда асосан Дропп Ультра дефолиантларидан фойдаланилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кимёлаштириш бошқармаси бошлиғи Шамшод Муҳаммадалиев. — Унинг афзалликларидан бири ғўза барглари қуриб кетмасдан тўкилади. Бунинг ҳисобига пахта толаси ифлосланмайди ва терим даврида юқори сифатга эга бўлади. Дропп Ультра қўлланилганда қайта дефолиация қилишга мутлақо ҳожат қолмайди. Бу эса харажатларни камайтиради ва экологик муҳитни яхшилайди. Дефолиация қилинган ўсимликнинг қайта ўсиб кетишига йўл қўйилмаслиги ҳисобига пахта терувчи машиналар сифатли, тоза пахта теради. Тола бўялмайди, натижада юқори харид нархли, олий сифатли тола олиш таъминланади.

Республикада 1 миллион 300 минг гектар пахта майдонида ғўза баргини сунъий тўктириш режалаштирилган. Шу йилнинг 15 сентябрига бўлган маълумотларга назар соладиган бўлсак, бу борадаги юмушлар қониқарли эмас. Чунки бу йил дефолиация 20 сентябргача тугаши керак. 15 сентябргача республикада 576,6 минг гектар пахта майдони дефолиация қилинган. Бу — умумий режанинг 44,4 фоизини ташкил қилади. Республиканинг Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятларида бу юмуш яхши ташкил қилинганлиги боис режа 47 фоиздан 88 фоизгача бажарилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Фарғона вилоятларида ғўза баргини сунъий тўктириш жуда суст. Масалан, Фарғона вилоятида бор-йўғи 21 минг 700 гектар ғўза дефолиациядан чиқарилган. Бу умумий майдоннинг 27,1 фоизи демакдир. Жадвал бўйича эса 60 минг гектар бўлиши керак эди. Қорақалпоғистон Республикасида шу кунгача 15,5 минг гектар пахтазор дефолиациядан ўтказилиб, бу борадаги режа 12,9 фоизга етказилган. Навоий вилояти эса бу борадаги режани ҳозиргача 22,8 фоиз адо этди. Албатта ҳамма ерда шароитга қараб иш тутиш лозим. Лекин бу муҳим тадбирни сабабсиз орқага суришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Энди пахта йиғим-теримига келсак, унинг биринчи кунлариданоқ отни қамчилаган вилоятлар дуруст кўрсаткичларга эришдилар. Масалан, республикада биринчилар қаторида теримни бошлаган Хоразм вилояти пахтакорлари 15 сентябрга келиб режадаги 290 минг тонна оқ олтиннинг 140,4 минг тоннасини териб умумий хирмонга топширилди. Режа 48,4 фоизга етказилди. Кунлик теримни 2,1 фоизга етказаётган Сурхондарё вилояти деҳқонлари шу кунгача 121,3 минг тонна оқ олтин хирмонини уйиб, бу борадаги режаларини 31,9

### *Оқ олтин — 97*

фоизга етказдилар. Пахтачилик илмини сув қилиб ичиб юборган андижонлик бободеҳқонлар кунига давлатга 10 минг 886 тоннадан пахта, яъни режанинг 3,5 фоизи миқдорида оқ олтин топширишмоқда.

Режани бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бригадалар, жамоа хўжаликлари сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Масалан, Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳри тасарруфидаги Гагарин номли жамоа хўжалиги аъзолари пахтазорлардан 350 тонна хом ашё йиғиштириб олиб, бу борадаги режани уддалашди. Айни чоғда хўжалик деҳқонлари ҳосилни 1000 тоннага етказиш ниятида тиним билмай меҳнат қилишмоқда. ҚУриқ Баҳористон тумани хўжаликларининг бир неча бригадалари ҳам зафар кучишди. Тумандаги «Олтин бошоқ» жамоа хўжалигидаги Ҳайитбой Тошев, «Чандир» жамоа хўжалигидаги Юсуф Қаландаровлар етакчилик қилаётган бригадалари шулар жумласидандир. Узун туманидаги Жўрақул Эшмуродов номли жамоа хўжалигининг Хабибулло Лолаев бошлиқ бригадаси жамоаси эса давлатга 36 центнердан сифатли оқ олтин топшириб, яқинда режани забт этди. Гулистон туманидаги «Бешбулоқ» деҳқон (фермер) хўжалигининг Аъзам Холиқулов етакчилик қилаётган бригадаси 37 гектар майдондан 102 тонна оқ олтин йиғиб олиб, туманда биринчилардан бўлиб режани уддалади. Бунда айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қўл келмоқда. Чунки қарорда белгиланганидек, қўлда терилган пахта учун 3,5 сўм берилаётгани пахтакорларга мадад бўлмоқда. Шунинг учун вилоятларда теримчилар сони ортиб бормоқда. Ҳар бир теримчининг терган пахтасининг миқдори ҳам кўпаймоқда. Мисол учун Навоий вилоятида ҳар бир теримчининг терган пахтаси ўрта ҳисобда 61,2 килограммга тўғри келди. Бухорода 15 сентябрь куни теримда 101 минг 310 киши қатнашиб, ҳар бир пахтакор ўрта ҳисобда 79,9 килограмм оқ олтин териб олди. Андижон вилоятида эса 161 минг 115 киши пахта теримида иштирок этди ва уларнинг ҳар бири 67,2 килограмм пахта териб олишга муваффақ бўлди.

Пахта йиғим-терими ва унинг натижалари барча вилоятларда ҳам кўнгилдагидек бораётир, деб бўлмайди. Масалан, юқоридаги Навоий вилояти ҳатто ўтган йилги кўрсаткичларга ҳам етолгани йўқ. Вилоятда мавсум бошидан бери 5,6 фоиз миқдорида пахта тайёрланиб, ялпи хирмон 7 минг тоннага ҳам етмади. Ваҳоланки, ўтгана йилнинг шу даврида 14,3 минг тонна оқ олтин териб олинган эди. Жиззахда эса ўша куни 1252 тоннагина пахта йиғиштириб олинди. Бу режанинг 0,5 фоизи демакдир. Иш шу йўсинда кетса, жиззахликлар 257 минг тонна оқ олтин хирмонини қачон уядилар? Шу куни вилоятда 38 минг 295 нафар киши теримда қатнашиб, ҳар кишига 32,7 килограммдангина тўғри келган. Сирдарё вилоятида ҳам кунига бир фоиз миқдорида пахта тайёрланмоқда. Вилоят бу йил 325 минг тонна пахта сотишни режалаштирган. Теримчиларнинг ўртача иш самараси 34,7 килограммни ташкил этди.

Республикамизда шу кунгача 683,4 минг тонна пахта топширилди. Бу ўтган йилгига нисбатан бирмунча кўп. Чунки ўтган йили шу даврда 456,9 минг тонна пахта тайёрланганди.

Юқорида таъкидланганидек, республикамизда ғўзани дефолиация қилиш ва етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан бирмунча яхши. Лекин баъзи вилоятларда йиғим-терим ишлари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Кўрсатиб ўтган мисоллар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Шу боис камчиликлари таъкидланган вилоят мутасаддилари танқиддан тўғри хулоса чиқариб, илғор вилоятлар қаторига етиб оладилар, деган умиддамиз. Чунки ҳозирги ғанимат кунларининг ҳар соатидан унумли фойдаланилмаса, пахтамиз ёғин-сочинга қолиб, ўз сифатини йўқотиши турган гап. Бу эса бободеҳқон ёз бўйи тер тўкиб етиштирган пахтасининг нархи тушиб кетиб, қилган меҳнатларига яраша ҳақ ололмаслигига сабаб бўлади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Пахта тозаловчиларнинг тиғиз кунлари*

# ЖАҲОН БОЗОРИ ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ

***Мамлакатимизнинг асосий бойлиги ҳисобланган пахтани йиғиб-териб олиш тобора қизғин тус олмоқда. Ҳосилни саранжомлаш уюшқоқлик билан бошланганлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилаётганлиги муҳим аҳамият касб этаяпти. Бу муҳим ҳужжатда йиғим-терим ишларида банд бўлганларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, улар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси зиммасига топширилган пахта хом ашёси учун хўжаликлар билан унинг қийматининг 90 фоизи ҳисобидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилиб бориш вазифаси юклатилган. Узил-кесил ҳисоб-китоблар қайта ишлаш якунлари бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилган.***

***Пахта тозалаш саноати корхоналари ва тайёрлов шоҳобчалари ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари янги ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олмоқдалар. Улар хом ашёни яхши сақлаб, қуритиб-тозалаб, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлашлари, тармоқда самарадорликни тобора ошириб боришлари зарур. Юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши қандай бораяпти? «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси иқтисодий масалалар бўйича бош бошқармаси бошлиғи А. ЖАЛОЛОВ мухбиримиз С. САЙДАЛИЕВга қуйидагиларни ҳикоя қилди.***



— Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу масъулиятли вазифага дахлдор барча тармоқлар қатори «Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмалари, пахта тозалаш заводлари, тайёрлов шоҳобчалари меҳнат жамоалари учун бугунги кунда дастуруламал бўлмоқда. Бу мавсумга ҳар томонлама пишиқ-пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли пахта карвонлари маҳтал қилинмай, тўхтовсиз қабул қилиняпти. Янги ҳосил йиғим-теримига ҳозирлик жараёнида 14 мингдан зиёд кичик механизация воситалари, 400 дан ортиқ қуритиш-тозалаш цехлари, 800 та катта тарози, қарийб етмиш мингта бризент ва бошқа анжомлар таъмирдан чиқарилиб, 577 пахта қабул қилиш шохобчалари ва улардаги 15 мингдан зиёд ҳосилни ғарамлаш майдончалари ўз вақтида тахт қилиб қўйилди. Хом ашёнинг намлик, ифлослик даражаси ва бошқа сифат кўрсаткичлари аниқ-равшан белгиланишини таъминлаш мақсадида заводлар ва тайёрлов шохобчаларидаги мавжуд 600 та лаборатория асбоб-ускуналари таъмирланиб, давлат стандарти кўригидан ўтказилди.

Пахтакорларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, топширилган хом ашё учун хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш мамлакатимиз раҳбарияти, биринчи навбатда Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаяпти. Кейинги пайтда кузда топшириладиган ҳосил ҳисобидан йил бошидан бошлаб хўжаликларга аванс тариқасида маблағ тўлаб бориш изчил йўлга қўйилганлиги ана шу меҳрибонликнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Хусусан, 1997 йилда ҳам уюшмамиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда кўрсатилган миқдордаги маблағнинг хўжаликларга аванс тариқасида тўланишини таъминлади. Йиғим-теримга киришиб, хом ашё тайёрлов шоҳобчаларига топширила бошлангач, хўжаликларга янги ҳосил пахтаси қийматининг 90 фоизи ҳисобидан маблағ тўланмоқда. Умуман, 1997 йил ҳосили учун олдиндан бериб келинган авансни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳозиргача 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ хўжаликларга ўтказилди. Бу йиғим-теримда банд бўлганлар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир тармоқ ходимлари ёки бирон-бир меҳнат жамоаси эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллашни кўзлар экан, энг аввало аввалги техник-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этади, ишга солиниши мумкин бўлган имкониятларни белгилаб олади. Пахта тозаловчиларимиз бу йилги ҳосилни қабул қилиш, қайта ишлашга киришар эканлар, кейинги йилларда тўпланган тажрибани умумлаштирдилар ва янги вазифаларни белгилаб олдилар. 1996 йил ҳосилини қайта ишлашда уюшма корхоналари бўйича ўртача 32,1 фоиз тола чиқишига эришилди. Бу топшириқда белгиланганидан қарийб 0,5 фоиз кўпдир. Демак, тола чиқишини кўпайтириш ҳисобига кўзда тутилганига қўшимча равишда 12 минг тонна тола олинишига эришилди. Умуман, кейинги йилларда тармоқнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган ўртача тола чиқишини 1,6 фоиз кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш билан бирга тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти. Энг пешқадам пахта тозалаш заводларида ўртача 35,4 фоиз тола чиқишига эришилаётганлигини назарда тутсак, бу борада ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар мавжудлиги яққол кўринади.

Тармоқ корхоналарида кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. 1997 йилнинг биринчи ярмида 151 миллион сўмлик шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу 1996 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 мартага кўпдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини тобора ошириб бориш, толамиз жаҳон бозори талабларига тўла жавоб беришига эришиш пахта тозаловчилар, инженер-техник ходимлар ва барча мутахассисларимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу мақсадда узоқ йиллардан бери фойдаланиб келинаётган мавжуд технологияни ўзгартириш, замонавий ускуналар ва машина-механизмларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, бу борада хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш тадбирлари кўрилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатларнинг дебсчаси сифатида Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғида янги технология асосида ишлайдиган замонавий корхона барпо этилиб, бу йилги пахта йиғим-терими арафасида ишга туширилди. Шундай замонавий корхоналардан яна иккитаси Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилади.

Технологияни такомиллаштириш борасидаги изланишлар бир неча йўналишда олиб борилмоқда. Уюшма мутахассислари ва унинг тизимидаги «Пахта саноати» республика илмий маркази ходимларининг биргаликдаги ижодий изланиши самараси сифатида хом ашёни қайта ишлашнинг қисқа технологияси яратилди ва бу йил тажриба тариқасида бир қатор корхоналарда синаб кўрилади.

Фойдаланилиши мумкин бўлган имкониятлар ҳақида фикр юритилганда биринчи навбатда электр қуввати сарфини қисқартириш масаласини тилга олиш зарур. Чунки пахта тозалаш саноати сарф-харажатлари ҳажмида электр қуввати асосий ўринлардан бирини эгаллайди. 1997 йилнинг биринчи ярмида бир тонна тола ишлаб чиқариш учун электр қуввати сарфи уюшма бўйича ўртача 1350 сўмни ташкил этди. Кўпгина пешқадам пахта тозалаш заводларида бу кўрсаткич 900—1000 сўм атрофида бўлгани ҳолда Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги бирлашмаларида ўртача 1600—1700 сўмни ташкил этди. Демак, ана шундай бирлашма ва корхоналарда электр қувватидан бесамара фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида электр қуввати сарфини камайтириш ҳақида бош қотирилиши билан бирга шу кўрсаткични икки баравар қисқартириш имконини берадиган қисқа технологияни тадбиқ этиш чоралари кўрилмоқда.

Соҳамизда мулкчилик шакли ўзгартирилиб, уюшма тизимида 154 та очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ва 8 та жамоа корхоналари вужудга келтирилганлиги техник-иқтисодий кўрсаткичларни тобора яхшилаб боришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Чунки корхоналар томонидан чиқарилган акцияларнинг соҳиблари, яъни мулк эгалари бўлган ишчи-хизматчилар, инженер-техника ходимлар пировард натижадан моддий манфаатдор бўлаётганликлари туфайли ижодий изланиб, унумли ва сифатли меҳнат қилишга интилмоқдалар. 1996 йил якунлари бўйича акция эгаларига 157,7 миллион сўм миқдорида дивиденд ажратилганди. Бу йилги иқтисодий кўрсаткичлар ҳам мулкдорлар яхши манфаатдор бўлишларидан далолат бериб турибди.

Бу йилги пахта йиғим-терим мавсумининг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Маълумки, бу йил баҳорда дўл ва кучли ёғингарчиликлар бўлганлиги сабабли баъзи минтақаларда чигит икки-уч марта экилганди. Шу майдонларда ҳосил бирмунча кечикиб етилишини ҳисобга олиб мавжуд қуритиш-тозалаш цехларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Яна бир ғоят масъулиятли жиҳати шундан иборатки, келгуси йили замонавий технология — чигитни плёнка остига экиш усули мамлакатимиз пахта майдонларининг 500 минг гектардан зиёдида қўлланилади. Тармоғимиз корхоналари зиммасига шунча майдонга етадиган миқдорда туксизлантирилган сара уруғлик чигит етказиб бериш вазифаси юклатилган. Ана шу топшириқни бекам-кўст адо этиш учун мавжуд цехлар ўз вақтида сифатли таъмирланди, зарур ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятларидаги корхоналаримизда чигитни туксизлантирадиган цехлар барпо этилди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ ходимларининг бутун диққат-эътибори пахтани узлуксиз қабул қилиб, яхши сақлаб, қуритиб-тозалаб, жаҳон бозорининг қатъий талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга, самарадорликни тобора ошириб боришга қаратилган. Зотан, жаҳон бозорига чиқарадиган толамизнинг нечоғлик сифатли бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётини, Истиқлолни мустаҳкамлашда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини тармоқ ходимлари доимо дилдан ҳис этадилар.

## САХОВАТПЕША ҚУРУВЧИЛАР

Нишонлик Очил Жўраевнинг уйи таъмирталаб бўлиб қолган. Қурилиш-пардозлаш ишлари унинг қўлидан келади-ю, лекин вақти зиқ. Даладан кела солиб оиласи билан томорқа ишларига уннаб кетади. Бу ерда етилган сабзавот, полиз маҳсулотлари йиғиштириб олишга маҳтал. О. Жўраев райондаги пулли хизмат кўрсатадиган қурилиш-таъмирлаш ташкилотига мурожаат қилди. Ижрачи мутахассислар келиб унинг уйини кўздан кечиришди. Нималарнидир чамалаб ёзишди, чизишди. Кўп ўтмай қурувчилар уй ва даҳлизни қўлдан чиқаришди. Очил аканинг боши осмонга етди. Оила аъзолари билан мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида шинам уйга кўчиб ўтди.

Биз юқорида Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Қашқадарё вилоят «Саховат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг хайрли ишидан бир мисол келтирдик. Бугунги кунда «Саховат»нинг 22 та бўлими вилоят туманларида фаолият кўрсатмоқда.

— Вилоятимиз аҳолиси чиройли турмуш кечириш шайдоси, — дейди бирлашма бош раҳбари Жуманазар Саллаев. — Буюртмалар ҳажми йил сайин ошиб, янги жамол очган уйлар сони кўпайяпти. Ўтган йили 64 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажардик. Инсон манфаатлари йилида бу кўрсаткични юз миллион сўмга етказиш учун жамоамиз аъзолари кўтаринки руҳда меҳнат қилишяпти.

Муборак туманидаги Абдуғани Курбонов бошлиқ жамоа 8 ойлик режани 125 фоиз, Қамаши туманидаги Ибодулла Алламуродов етакчилик қилаётган бунёдкорлар эса 117 фоиз адо этдилар. Яккабоғ туманидаги Бахтиёр Бекназаров, Нишон туманидаги Фарҳод Ёқубов, Касби туманидаги Пўлат Шарипов, Чироқчи туманидаги Оқбола Эркиновлар бош-қош бўлган бунёдкорлар жамоаси ҳам катта тўйга муносиб совғалар ҳозирлашди.

**Ф. ЭШҚУЛОВ.**

## ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ

Ҳиссадорлик жамияти мақомини олиб иш юритаётганимизга кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, мулкчиликнинг бу янги шакли шарофати билан кишиларимизда меҳнатга муносабат ўзгарди. Айни пайтда корхона равнақи йўлида астойдил ҳаракат қилиш барчага дахлдор бўлиб қолди. Шубоисдан корхона маҳсулотига харидорлар тобора ортяпти. Эндиликда жамият аъзоларининг маҳсулотлари жаҳон миқёсида харидоргир. Ўтган йилги ҳосил— пахта қайта ишланиб, 6,5 минг тонна тола олинди ва бошқа иккиламчи маҳсулотлар— чигит, момиқ тайёрлаш топшириқлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Хом ашёнинг сифатлилик даражаси 97,3 фоизни ташкил қилди. Толани чиқиши 31,9 ўрнига 32 фоизга тўғри келди. Шу ҳисобга кўзда тутилганидан 14 тонна кўп тола тайёрланди. Агар жами олти миллион соф фойда олинган бўлса, шундан 962 минг сўми хом ашё тежалиши, икки миллион 21 минг сўми тола сифатининг юқорилиги эвазига бўлди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 3000 сўм ва ундан ҳам юқори бўлмоқда.

АҚШ, Франция, Корея, Швейцария, Ирландия каби жаҳондаги энг йирик мамлакатларга ишлаб чиқарилган толанинг 80 фоизи сотилди. Бу муваффақият аввало йил давомида ва хусусан ҳосилни қабул қилиш жараёнида пахтакорлар билан қайта ишловчиларнинг икки томонлама манфаатли яқин алоқалари самараси албатта.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори биз толачиларни фидойи ишлашга ундаб, зиммамизга масъулият юклади. Зеро, Чортоқ тумани хўжаликларидан бу йил 8450 тонна пахта қабул қилиб олиб қайта ишлашни режалаштирганмиз. Янги мавсумга ҳозирлик ўз вақтида, пишиқ-пухта ниҳоясига етказилди. Бизда ўзини оқлаган илғор тажрибаларни тармоқ мутахассислари кенг оммалаштиришди. Бу бизни ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлашга ундайди. Янги ҳосилни ўз вақтида қабул қилиш, авайлаб-асраш, қайта ишлаш ва шартномага мувофиқ жўнатиш каби юмушларни бирбирига боғлаб ташкил қиламиз. Хом ашёни қайта ишлаш жараёнида ажралиб чиқадиган турли чиқиндилар, барглар, хас-чўплар, қум ва тош аралашмалари атроф-муҳитни булғайди. Бунинг олдини олиш учун чанг тозаловчи ускуналарни янги талаблар бўйича қайта таъмирлаб, теварак-атроф ифлосланишининг олдини олишга эришдик.

Зокиржон Абдуллаев, Абдурашид Темиров, Абдулла Ғойибназаров, Валижон Абдумажидов, Рустамжон Нишонов, Валижон Мамадалиев, Умаржон Ҳусаинов, Аҳмаджон Умурзоқов каби фидойиларнинг самарали меҳнатлари туфайли учта қуритиш барабани, 1 та ХК тозалаш механизми, 35 та ғарамлаш майдончаси, 36 та ПЛ транспортёри ва юклаш, тушириш механизмлари, тола ажратиш, тойлаш цехлари тўла қувватда ишлашга тайёр. Ошхона, чойхона каби масканлар бугун яна ишчилар билан гавжум.

1997 йил Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган. Бундан келиб чиқиб жамият бошқаруви ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорликда тадбирларни белгилаб, навбатма-навбат амалга оширяпмиз. Чунончи, жорий йил ютуқларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, ҳар бир ишчи-хизматчини пухта ижтимоий ҳимоялаш пайида бўляпмиз. Корхонада меҳнат қилаётган 384 кишининг ҳар бири ўзига зарур пайтда ёрдам олиши мумкин. Вақтида дам олиб, даволаниб, саломатлигини тиклаш учун имкониятлар бор. Хушманзара «Заркент» қишлоғидаги «Оқ олтин» дам олиш масканида бу йил 300 нафардан зиёд болажонларимиз ёзги таътилларини кўнгилли ўтказдилар.

Излаганга имкон топилаверади. Ана шулардан келиб чиқиб жамоа маъмурияти ишчиларнинг ишлаш ва турмуш шароитларини яхшилаб бормоқда. Маълумки, биз ишлаб чиқариш шарт-шароитидан келиб чиқиб меҳнатчиларга мунтазам сут-қатиқ маҳсулотларини бепул бериб борамиз. Бундан ташқари арзон нархда гўшт тарқатилади. Турли сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, мева ҳам етказиб беріляпти. Бу йил 20 тоннадан зиёд буғдой етиштириб, тарқатдик. Ғалладан бўшаган ерга шоли, маккажўхори экдик. Буларнинг ҳаммаси пахта тозаловчилар манфаатларига хизмат қилади.

Мустақиллик бизга изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка йўл очди. Бундан бир неча йил аввал ташкил қилинган «Омад» тикувчилик кичик корхонаси ўзининг 100 кишилик жамоасига эга. У тайёрлаётган турли хил маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Бу ерда тикилаётган болалар ва эркакларнинг миллий услубдаги кўйлаклари, аёллар учун мўлжалланган кийимларнинг харидоргирлиги қўшма корхоналар, янги тармоқлар ташкил қилиш самарали эканлигидан далолат бермоқда. Айни пайтда «Чортоқ—Освад» ўзбек-ҳинд қўшма корхонасига асос солинди. Яқин кунларда қурилишга киришамиз. Бу ерда корхонамизда ишлаб чиқилган тола қайта ишланиб, ип йигириш ташкил қилинади.

Мустақилликнинг олти йиллик байрами муносабати билан Абдуқаҳҳор Ҳошимов, Зокиржон Турғунов, Ҳамиджон Каримов каби фаолларимиз 65 нафар уруш, меҳнат фахрийлари, ногиронлардан хабар олиб чиқишди. Уларга баҳоли қудрат моддий ёрдам тешкил қилинди. Умуман шу йилнинг ўзида бу каби тадбирларга жамиятимиз бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

Қаердаки азалий, энг яхши урф-одатларимиз қарор топган бўлса, ўша жойда меҳр-оқибат, одамгарчилик кучли, ишда барака, унум бўлади. Олижаноб анъанага содиқ толачиларимиз олдинда турган вазифаларни собитқадамлик билан бажармоқдалар.

Янги ҳосилнинг карвонлари мунтазам келиб турибди. «Айқирон», «Мустақилликнинг 5 йиллиги», «Чортоқ» жамоа хўжаликлари аъзолари томонидан етиштирилган «оқ олтин»нинг дастлабки тонналаридан беғубор оппоқ толалар ажратиб олина бошланди. Деҳқон ва қайта ишловчи қалбида бир олам қувонч. Зеро, уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам беором кунлар бошланди. Ниятимиз— пахта карвонларини маҳтал қилмасдан кечаю-кундуз қабул қилиш.

**Эркин АБДУЛЛАЕВ,**
**«Чортоқ тола» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси.**



**Тошкент вилояти. Кейинги йиллар ичида Паркент туманидаги «Бойқозон» корпорацияси чорва моллар бош сонини кўпайтириш ҳамда сут соғиб олишни ошириш борасида сезиларли ютуқларни қўлга киритди. 56 нафар чорвадор хизмат қилаётган бу хўжаликда инсон манфаатлари йилида ҳар бош сигирдан 9-10 литрдан сут соғиб олишга эришилмоқда.**

**— Корпорация чорвачилиги ривожига иқтисодий таҳлиллар ўз вақтида қилинаётганлиги, ишчилар ойлик маошларини мунтазам олаётганликлари ва молларни озода сақлаганлик учун белгиланган мукофотлар билан ҳар беш кунда тақдирланаётганликлари ижобий таъсир кўрсатди, — дейди ферма мудири Баҳодир Икромов. — Ҳидоят Абдуллаева, Анора Алимбоева каби илғор чорвадорлар ҳар бир сигирдан соғиб олаётган кунлик сут миқдори ўртача 11 литрни ташкил этмоқда. Ферма ходимлари меҳнатини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб, ҳақларини мунтазам тўлашни таъминлашда хўжалик бош ҳисобчиси, яқинда Президентимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Самариддин Ғаниевнинг, молларни намунали сақлашда бош зоотехник Абдувоҳид Алматов, техник-мутахассис Парпибой Юнусовларнинг хизматлари айниқса эътиборга лойиқ. Илёс Раҳимхўжаев, Ҳасан Алимбоев каби молбоқарлар эса чорвани тўқ, соғлом сақлашда астойдил жонкуярлик кўрсатмоқдалар.**

**Суратларда: (чапдан ўнгга) хўжалик бош ҳисобчиси Самариддин Ғаниев ва илғор соғувчилар — Санобар Тўхтаева ҳамда Раҳима Раҳимхўжаеваларни кўриб турибсиз; ферма мудири Баҳодир Икромов (ўнгда), техник хизматчи Парпивой Юнусовлар молларни рацион асосида боқишни доимо назорат қилиб борадилар.**

**Владимир ГРАНКИН олган суратлар.**

## ТОШЛОҚЛИКЛАР— ПЕШҚАДАМ

7640 гектар майдондан 23480 тонналик пахта хирмони яратиш иштиёқида меҳнат қилаётган Тошлоқ туманининг лабзи ҳалол деҳқонлари йиғим-теримга зўр уюшқоқлик билан киришдилар. Биринчилар қаторида теримга тушган Х.Мирозиқов номли жамоа хўжалигининг Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов бошлиқ бригадасида ҳар куни 3 фоиздан ошириб пахта топширишаётир.

Бригада жамоаси бу йил 64 гектар майдондан 45 центнердан пахта териб олишни кўзламоқда.

Б.Шерматов номли жамоа хўжалигининг 16-бригадаси аъзолари ҳам марра сари яқинлашмоқда. Шу бригаданинг Ойимтожи Муйиддинова, Ҳовахон Маматова, Турсунали Абдураҳимов бошлиқ ижарачи звенолари биринчи теримдаёқ йиллик режани бажардилар. Хўжаликда терим суръати кун сайин ортиб бормоқда.

**Р.МЕЛИБОЕВ.**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

### ЭЛ ХИЗМАТИДА

**«ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ».** — Маиший хизмат кўрсатиш ходимларимиз Мустақилликнинг олтинчи йилида сезиларли ютуқларга эришдилар, деб ёзади вилоят маиший хизмат кўрсатиш уюшмасининг раиси Ҳ. Нишонов. — Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 657,6 миллион сўмликни, маиший хизмат кўрсатиш 142,5 сўмликни ташкил этди. Агар тизимдаги шохобчалар ўтган йилнинг шу даврига 1551 минг сўмлик нақд пул тушуми берган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 4101,5 минг сўмни ташкил этди.

Вилоятда янгидан 270 та маиший хизмат шохобчаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Улардан 235 таси қишлоқ жойларидадир. Маҳалла ва аҳоли гавжум ҳудудларда гузарлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 16 та гузар очилади.

### СУРЪАТ ОШМОҚДА

«АМУ ТОНГИ» **Тахтакўпир тумани «Нуроний» жамғармаси қошида ташкил этилган «Жиян Жиров» номли хусусий корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Корхона кейинги йилларда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Унга қарашли сут заводи икки сменада узлуксиз ишлайди. Бу ерда асосан сут, қаймоқ, сариёғ, сузма, айрон, қатиқ, қурут ишлаб чиқарилади.**

**Мазкур маҳсулотлар билан туман шифохонаси, болалар боғчалари мунтазам таъминлаб турилади. Шу йилнинг ярим йиллик якунларига кўра корхонада 1 миллион 498 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Смена бошлиқлари Муродбек Сотлиқов, Асқар Илёсовлар раҳбарлигида меҳнат қилаётган Ўрозбой Қурбонниёзов, Шомурод Сафаров, Ҳакимбека Қайпанова, Генжегул Султонова сингари ишчилар астойдил меҳнат қилишмоқда.**

### «ДАМАС» — ФЕРМЕРГА

**«АНДИЖОННОМА».** — Фермер хўжалигимиз Марҳамат туманидаги Гаргар қишлоғида ташкил топган, дастлаб ишни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан бошладик,— дейди «Шуҳрат» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Нуриев. — Кейинчалик асаларичилик, деҳқончилик, боғдорчилик, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳалари билан шуғуллана бошладик. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, унинг тури ҳам кўпайиб бормоқда. Энг асосий ютуқларимиздан бири шундаки, бугунги кунда фермер хўжалигимизда 311 киши ишламоқда. Яна 45 киши учун янги ишчи ўринлари яратилмоқда. Хўжалигимиз «Ташаббус-96» кўрик-танловида қатнашиб республика фермер хўжаликлари ўртасида биринчи ўринни олди. «Дамас» автомашинаси билан тақдирландик.

### ВАТАН МАДҲИ

«НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ». **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида «Ўзбекистон — озод Ватан, обод Ватан» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз ижодкорларидан Азимбой Шарипов, Шарифжон Розиқов, Абдуфаттоҳ Ҳаётий, Муҳаммаджон Зиёвуддинов, Ойимчахон Бекмирзаева, Гулчеҳра Зокирова ва бошқалар Ватан, мустақиллик, истиқлолга бағишланган асарларидан намуналар ўқиб беришди.**

### ШИФО МАСКАНИ

**«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ».** Халқ саломатлиги хизматидаги муассасалардан бири яқинда фойдаланишга топширилган Бинокор қўрғонидаги қишлоқ шифокорлик пунктидир.

Пунктга «Дамас» автомашинаси ажратилган. Шифо масканида замониавий тиббиёт асбоб-ускуналари мавжуд. Беморлар учун шарт-шароитлар яратилган. Кундузги стационарлар мунтазам ишлаб турибди.

### ХОНАДОНЛАР ГАЗЛАШТИРИЛДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ». **Тузель қишлоғининг Исти ва Салор қўрғонидаги «Гулистон» маҳаллаларининг юзга яқин хонадонида ҳам «зангори олов» ёна бошлади. Туман ҳокимлиги кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари яшаётган хонадонлардан 35 тасини бепул газлаштириб берди.**



# ТАРИХ ЗАРВАРАҒИГА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Қувончли воқеалар одатда тез ўтиб кетгандек туюлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун тўртинчи марта ўтказилган халқаро турнир ҳам минглаб теннис мухлисларига бир дунё завқ-шавқ бағишланганига шубҳа йўқ.

Зеро, бу сафарга бахслар ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ва мухлислар учун мароқли, қатнашчилар учун эса кескин нурашлар остида ўтди. Айниқса, турнир арафасида бетимсол кошона усти ёпиқ «Юнусобод» теннис кортининг фойдаланишга топширилганлиги, асосий учрашувлар шу кортда ўтганлиги ишқибозларни ҳам, иштирокчиларни ҳам янада хурсанд этди.

Очиғини айтганда, Истиқлол томон юз тутганига атиги олти йил тўлган ўлкамизда «Юнусобод» теннис мажмуидек ажойиб спорт иншоотлари мавжудлиги ва бу ерга ниҳоятда кучли ракетка усталари тўпланганлиги айрим хорижий қатнашчиларни ҳайратта солиб қўйди. Чунончи, нимчорак финалда марокашлик Ҳисам Аразига ютқазиб қўйган австриялик Стефан Коубек буни очиқ тан олди: «Мен Тошкентга бунчалик кучли теннисчилар тўпланади деб ўйламагандим», — деди у матбуот конференцияси чоғи ва келгуси йили пойтахтимизга албатта ташриф буюришини айтди.

Бошқа ракетка усталари ҳам Ўзбекистон республикаси Президенти кубоги учун ўтказилган бу сафарги мусобақалар улар учун унутилмас лаҳзалар бўлганини таъкидлашди. Жумладан, ҳал қилувчи беллашувда мағлубиятта учраганига қарамай швейцариялик Марк Россе: Тошкентда ўтказган бир ҳафта мен учун ажойиб палла бўлди», — деди.

Мусобақаларнинг бош совринини қўлга киритган буюк британиялик Тим Хейнман келгуси йили ҳам Тошкентга иштиёқ билан келиш ниятида эканини билдирди.

Буларнинг ҳаммаси шунчаки одоб юзасидан айтилган, фикр-мулоҳазалар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун теннис бўйича халқаро мусобақалар Профессонал теннисчилар уюшмаси жадвалидан мустаҳкам жой олганлиги, мавқеси ва нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганлигидан яққол далолатдир.

Демакки, теннис мухлисларини пойтахтимиздаги ва вилоятлардаги кортларда янги ажойиб баҳслар кутмоқда. Бу мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт чуқур илдиз отаёттани, хусусан яқин келажакда у етакчи теннис ўлкаларидан бирига айланиши аниқ эканлигини кўрсатади.

* * *

**Кўпчилик мутахассислар ва мухлислар швейцариялик Марк Россе (чапда) ғолибликни қўлга киритса керак, деб ўйлашганди. Буюк британиялик Тим Хейман (ўнгда) барча башоратларни пучга чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги ва бош мукофотни қўлга киритди.**

# МАҲОБАТИ, ГЎЗАЛЛИГИ АҚЛНИ ШОШИРАДИ

Тўртинчи бор ўтаётган Ўзбекистон Президенти кубоги учун халқаро мусобақа мамлакатимизда теннис мухлислари сафининг янада ўсишига олиб келганлигига шубҳа йўқ. Бу ҳақда кўплаб далиллар келтириш мумкин. Лекин эътиборга молик битта воқеага тўхталамиз, холос.

Швейцариялик М.Россе ва италиялик В.Сантопадре учрашуви пайти ҳам, россиялик А.Столяров ва ҳамюртимиз О.Огородов куч синашганда ҳам ёши анчага бориб қолган икки қария баҳсларни мароқ билан томоша қилиб ўтиришарди. Ҳолбуки вақт кеч бўлиб қолган эди.

Бу ҳолат бизни қизиқтириб қўйди. Қисқа танаффусдан фойдаланиб қариялар ёнига ўтиб, савол ташладик.

— Ёшим етмиш олтида, — деди Тошкентдаги Шароф рашидов номли маҳалла фуқаролар йиғини котиби Мажид бобо Бердиев. — Олдинги йиллари Президентимиз кубоги учун халқаро муосбақа бўлганини эшитгандик. Бу йил ҳам телевизорда лавҳалар кўриб, бу мусобақага қандай борса бўлар экан, деган хаёлда юрганимизда ҳокимиятдан бир неча таклифнома бериб қолишди. Қувона-қувона келдик.

Менинг асосий меҳнат фаолиятим касаба уюшмалари билан боғлиқ ўтган. Бир неча чет мамлакатларда бўлганман. Ўша пайтлари у ёқдаги ҳашаматли иморатлар, орасталикни кўриб, бизда қачон бу нарсалар бунёд бўлар экан, деб ўйланиб қолардим.

Мана энди Мустақиллик туфайли илгари хаёлий орзу бўлиб туюлган нарсалар жадаллик билан амалга ошмоқда. Ушбу ажойиб спорт иншооти — усти ёпиқ «Юнусобод» теннис корти бунга энг яхши мисолдир. Бинонинг маҳобати, гўзаллиги бир ҳайратлантирса, жаҳоннинг манаман деган теннисчилари Тошкентга келиб, бизларга томоша кўрсатаётгани яна бир марта ақлни шоширади. Беихтиёр: ўнгимми бу, тушимми деб ёқа ушлайсан, киши...

Атроф-теварак, кўчалар нақадар шинам, обод бўлганлигини айтмайсизми? Ўз эркимиз ўз қўлимизда бўлса, ҳеч кимдан қолишмас эканмиз-ку, деган хаёлда кўксингиз фахрга тўлиб кетади. Бор-йўғи олти йил ичида шунча ўзгаришлар бўлиб, мамлакатимиз шитоб билан қад ростлаётган экан, яна ўн беш-йигирма йилдан кейин қандай юксалишлар бўларкан?!

— Юртимизни буюк келажак сари етаклаётган Президентимиз омон бўлсинлар! — деди сўзининг якунида Мажид бобо.

Мустақилликниннг асл моҳиятини дилдан ҳис этувчи ҳар бир ватандошимизнинг бу эзгу тилакка қўшилишига асло шубҳа йўқ.

**А. МУХАМЕДОВ.**

## КАСБ УСТАСИ

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Бухоронинг 2500 йиллиги шарафига ғишт терувчилар ўртасида «Энг моҳир касб устаси» танловини ўтказди.

Ғишт терувчиларнинг уч кишилик звенолари Бухоро даҳаларидан бирида қурилаётган иншоотда ўз маҳоратларини намойиш қилди. Танлов ҳам қизиқарли, ҳам самарали бўлди — бино тез қад кўтарди.

Биринчи ўрин «Бухороқурилиш» акционерлик жамияти қошидаги қурилиш-монтаж фирмаси звеносига, иккинчи ўрин «Бухороуйқурилиш» акционерлик жамияти ғишт терувчиларига, учинчи ўрин эса «Бухороқурилиш» акционерлик жамияти қошидаги қурилиш-монтаж фирмасининг яна бир звеносига берилди. Ғолибларга қимматли совғалар ва пул мукофотлари топширилди.

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**

## ҚЎЙ ЖУНИ — ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИ



Уэльс қишлоқ хўжалик бошқармасининг бир гуруҳ олимлари қўй жунига улар ейдиган ем-хашакнинг сифати таъсир қиладими-йўқми, деган масалани текширмоқчи бўлишди. Олимлар бир қанча қўйларни гуруҳларга бўлиб, уларни уч ой давомида сули ёрмаси, мастак, беда ва бошқа ем-хашаклар билан боқишди.

Кейин қўйларнинг жунини солиштириб чиқишди. Тажрибани бошлашдан олдин ва охирида ҳар бир қўйнинг маълум жойидаги жун қирқиб олинди. Шу туфайли тажриба давомида ўша жойда ўсиб чиққан жуннинг узунлигини ўлчаш мумкин бўлди.

Маълум бўлишича, сули ёрмаси бериб боқилган қўйнинг жуни бошқа қўйлар жунидан тез ўсар экан. Беда эса жуннинг жингалак бўлишига таъсир этаркан.

***



Жанубий Австралияда «маҳсулдор» қўйлар борки, уларнинг устида буғдой ўсади. Хўш, қандай қилиб?

Жавоби — жуда оддий. Буғдойи ўриб олинган далаларда қўйлар ўтлаб юрганда, уларнинг жунига дон илашиб қолади.

Қўй танасининг ҳарорати, чанг-чунглар, ёғин-сочин буғдойнинг 10—12 сантиметргача бўй чўзишига имкон беради.

**А. АЛИЕВ тайёрлади.**

**Винкензо САНТОПАДРЕ:**

# «ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАМАН»



Пойтахтимизда ўтаётган Ўзбекистон Президенти кубоги учун халқаро мусобақалар давомида хорижлик ракетка усталаридан бири билан газетхонларимизни яқиндан таништиришни ният қилган эдик. Кучли теннисчилар сафига дадил кириб келаётган ва мазкур турнирда жуфтликлар баҳсида АҚШлик В. Спедеа билан ғолибликни қўлга киритган италиялик Винкензо Сантопадре барча саволларимизга жавоб беришга лутфан розилик билдирди.

* * *



**— Винкензо, Италиянинг қайси еридансиз?**

— Римдан.

**— Ота-онангиз кимлар?**

— Отам тоғам билан биргаликда ресторанга эгалик қилишади. Ойим эса — уй бекаси.

**— Нима сабаб теннис билан шуғуллана бошлагансиз?**

— Болалик пайтларим ота-онам теннис машқларига қатнашардилар. Табиийки, мени ҳам ўзлари билан олиб кетишарди. Шу тариқа бу ўйинга ошно бўлдим.

**— Ўз куч-қобилиятингизга қачон ишонч уйғонди?**

— То ўрта мактабни битказгунча, яъни ўн тўққиз ёшгача иккиланиб юрдим. Кейин катта теннис мусобақаларида қатнашишга қатъий аҳд этдим.

**— Ғалабалар куттириб қўймадими?**

— Йўқ. Жонажон шаҳрим Римда, Пильсенда, АҚШдаги қатор мусобақаларда зафар кучишга муваффақ бўлдим.

**— Муваффақиятларингиздан қайси бири қадрлироқ?**

— Римдаги турнирда эришган ғалабам.

**— Омад келтирувчи бирор белги бор деб ўйлайсизми?**

— Менимча, асосий омил — тинимсиз машқлардир.

**— Ютқазган пайтлари ўзингизни қандай овунтирасиз?**

— Кўпроқ ўзимга тасалли бериш тўғрисида эмас, қайси сабабларга кўра мағлубиятга учраганимни ойдинлаштиришга уринаман. Йўл қўйган хато ва камчиликларни кейинги сафар такрорламаслик пайида бўламан.

**— Ўз имкониятларингизни қандай баҳолайсиз?**

— Яқин келажакдаги ниятим кучли юзликдан жой олиш, кейин яна ўйлаб кўраман.

**— Етакчи ракетка усталаридан қайси бирини кўпроқ ёқтирасиз?**

— Пит Сампресни.

**— Нега?**

— У инсон сифатида ҳам, спортчи сифатида ҳам ибратли шахсдир.

**— Дарвоқе, кишилардаги қайси фазилатларни ёқтирасиз?**

— Ҳалолликни.

**— Қайси иллатни кечирмаган бўлардингиз?**

— Иккиюзламачиликни. Менимча, юзингга қараб бир хил, изингдан иккинчи хил гапирувчи одамлардан ёмони йўқ.

**— Ҳаётда нимани муҳим деб биласиз: юқори мансабга эришишнми, катта бойликка эга бўлишми ёки соғлиқми?**

— Сўзсиз, соғлиқ муҳим.

**— Эзгу орзуингиз нимадан иборат?**

— Атрофдагилар билан аҳилликда ҳамжиҳат турмуш кечириш.

**— Теннисдан ташқари яна нимага қизиқасиз?**

— Футболга. Теннисчи бўлмаганимда, шубҳасиз, ўзимни футболга бағишлардим.

**— Севимли командангиз?**

— «Рома».

**— Тошкент тўғрисидаги таассуротларингиз?**

— Бу ерга эрта тонгда учиб келдик. Уйқусираб ўтирган эдим. Барибир, Тошкент менга жуда ёқди.

**— Ўтаётган мусобақа тўғрисида нима дея оласиз?**

— Турнир жуда юксак савияда ташкил этилган. Ҳамма нарса пухта ўйланганлиги ҳар қадамда сезилиб турибди. Ҳаттоки овқат масаласида ҳам. Бир-биридан ширин таомлар баҳри-дилингизни очиб юборади.

**— Журналист бўлсангиз, яна қандай савол берган бўлардингиз?**

— Қилаётган ишимни ёқтираманми-йўқми, ана шу ҳақда сўраган бўлардим.

**— Ёқтирасизми?**

— Албатта. Шу боис ҳар бир учрашувда бор куч-маҳоратимни ишга солишга ҳаракат қиламан. Рақиб ким бўлишидан қатъий назар.

**— Биз Сизга омад тилаймиз. «Қишлоқ ҳаёти» мухлисларига қандай истак билдирган бўлардингиз?**

— Соғлиқ ва бардамлик асло уларни тарк этмасин!

**Суҳбатдош: Ш.АЛЛАМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**





**Ҳар бир учрашувдан сўнг теннисчиларнинг матбуот вакиллари билан мулоқоти мунтазам йўлга қўйилганлиги Президент кубоги баҳсларини тўлақонли равишда ёритишга шароит яратди.**

**Теннисда жуфтликлар баҳслари ўзгача мароқ билан кечди. Бу ерда бир-бирини тушуниш, ҳамжиҳатлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айни чоғда йиғинчоқлик жоиз.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

**Асаканинг одамлар билан ҳамиша гавжум бўладиган марказий деҳқон бозорида янги новвойхона ишга тушди. Бу ерда бир кеча-кундузда беш мингтагача нон ёпилади. Новвойхона шаҳардаги «Асака нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш» жамоа корхонаси ташаббуси билан қурилди.**

**Шаҳарликлар новвойхонада ёпилаётган нонни яхши харид қилаётганидан ташқари, новвойларга тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун нон ёпиб беришга буюртмалар бермоқда. Новвойхона бир неча ошхона ва чойхона ёнида жойлашгани туфайли, деярли кечаю-кундуз ишламоқда.**

**Новвойхона ёнида тез орада яна иккита ˚ қандолат ва болалар севадиган бодроқ тайёрлайдиган цехлар очилади.**

## БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

**Сурхондарё вилояти Қизириқ ва Бойсун туманларида ҳар бири 360 ўринли икки янги мактаб болаларни ўз бағрига олди. Бу йил воҳа шаҳар ва қишлоқларида 49 минг 660 нафар бола илк бор мактабга қадам қўйди. Истиқлол фарзандлари бўлган бу кичкинтойларга 12 турдаги ўқув қўроллари ˚ китоб, дафтар, ручка, қалам ва бошқа анжомлар туҳфа этилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари қишки кийим-кечак билан ҳам бепул таъминланади.**

## ҲАР ТЎҒРИДА

**Елим балиқ, қизил қанот ва майда карасга ўхшаган хашаки балиқлар жуда секин ўсади. Аммо овқатта ниҳоятда ўч бўладилар. Дон балиқ комбинатига қарашли ҳовуз ва кўлларда урчитиладиган балиқларнинг қирқ фоизини шулар ташкил этар эди. Узоқ вақтгача бундай хашаки балиқлардан қутулишнинг иложи бўлмади.**

**Ниҳоят, чораси топилди. Судак балиғи қўл келди. Судак эрта тухум қўяди, болалари ҳам эрта вояга етади. Хашаки балиқчалар тухумдан чиқиши ҳамон қириб еб қўяди. Балиқ урчитиладиган ҳовуз, тўғон ва кўлларда судак боқила бошлагандан бери балиқлар кўпайиб, икки ярим марта ортди.**

* * *

**Қутб тадқиқотчиси Роберт Скоттнинг кундалик дафтарида қизиқ бир воқеа қайд этилган. Каттагина муз парчаси устига итларни туширганларида қаёқдандир ҳайбатли китлар пайдо бўлиб ҳайвонларга очкўзлик билан тикилишган. Экспедиция қатнашчиларидан бири кемадан муз устига сакраб тушиб, уларни суратга олмоқчи бўлганида муғомбир китлар сувга шўнғиб кетди.**

**Шу пайт муз қаттиқ лопиллай бошлади-да, қарс ёрилди. Устидаги итлар ва одам сувга чўкиб кетишига оз қолди. Дам ўтмай ҳалиги китлар бошларини сувдан чиқариб яна бақрайиб қараб туришди.**

**Сув йиртқичларининг одати шундай. Шўнғиб, музни кўтариб юборадилар-да, ўлжаларини сувга ағдарадилар.**

*Хўжалик раҳбарлари, фермерлар диққатига*

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

«Бахтқишхўжмаш» қўшма корхонаси плуг тишлари — лемехларни ва улар учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариб, сотаяпти.

Мазкур корхонадан дон сеялкаларини ва унинг турли узелларини ҳам сотиб олишингиз мумкин.

Бу ускуна ва эҳтиёт қисмларга шартномавий нархларда, олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилинади.

***Тошкентдаги телефон: 54-99-09***
***телефон/факс: 55-29-44.***

«Қишлоқ ҳаёти» таҳририяти жамоаси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга волидаи муҳтарамаси

**Бувсалима мулла ТЎРАБОЙ қизининг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Сунnатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0582, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.